

СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ДАВРИДА ПРОКУРОРНИНГ ЯНГИ КАСБИЙ
КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИ

Салоҳиддинов Шохрух Баҳром Ўғли

Очилов Асилбек Алибоевич

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Хуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг 3-курс талабалари.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.22077242>

Аннотация. Мазкур мақолада сунъий интеллект технологияларининг жадал ривожланиши шароитида прокурор ходимларининг касбий компетенциялар тизимида қўйилаётган янги талаблар таҳлил қилинган.

Ўзбекистон Республикасида «Рақамли прокуратура – 2030» стратегияси, «Raqamli prokuror» ахборот тизимлари комплекси ва «E-tergov» ягона электрон тизимининг жорий этилиши мисолида прокурор фаолиятининг рақамли трансформацияси кўриб чиқилган.

Европа Иттифоқининг сунъий интеллект тўғрисидаги Регламенти (EU AI Act) ҳамда Қозоғистон Республикаси Бош прокуратураси тажрибаси билан қиёсий таҳлил ўтказилган. Прокурор ходимларининг рақамли-ҳуқуқий саводхонлиги, катта маълумотларни таҳлил қилиш кўникмалари, алгоритм натижаларини танқидий баҳолаш қobiliяти, киберхавфсизлик ва шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш соҳасидаги билимлари, шунингдек касбий этика доирасида инсон назорати тамойилини сақлаб қолиш зарурати асосланган ҳамда амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: сунъий интеллект, прокурор, касбий компетенция, рақамли прокуратура, «Raqamli prokuror» тизими, киберхавфсизлик, шахсга доир маълумотлар, алгоритмик шаффофлик, EU AI Act, инсон назорати тамойили.

Abstract. The article analyses new requirements for prosecutors' professional competencies amid the rapid adoption of artificial intelligence in law-enforcement activity. Drawing on Uzbekistan's "Digital Prosecutor's Office – 2030" strategy, the "Raqamli prokuror" information system and the "E-tergov" platform, as well as a comparative review of the EU Artificial Intelligence Act and the practice of Kazakhstan's Prosecutor General's Office, the paper substantiates the need to develop prosecutors' digital-legal literacy, data-analysis skills, critical evaluation of algorithmic outputs, cybersecurity and personal-data-protection competence, and adherence to the human-oversight principle.

Keywords: artificial intelligence, prosecutor, professional competence, digital prosecutor's office, cybersecurity, personal data, algorithmic transparency, EU AI Act.

КИРИШ

Сўнгги йилларда сунъий интеллект (AI) технологиялари давлат бошқарувининг деярли барча соҳаларига, шу жумладан хуқуқни муҳофаза қилиш тизимида ҳам фаол татбиқ этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорларига мувофиқ, Сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотлар натижасида Ўзбекистон сунъий интеллектга тайёрлик бўйича халқаро рейтингда 25 поғона юқорилаб, 62-ўринни эгаллади.

Бу натижалар давлат органлари, жумладан прокуратура тизимида ҳам рақамли трансформация жараёнларини жадаллаштиришни тақозо этмоқда.

2025 йил 3 ноябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг **ПФ-204-сон Фармони билан «Рақамли прокуратура – 2030»** стратегияси тасдиқланди^[1]. Ушбу ҳужжатга кўра, 2030 йилгача прокуратура органлари фаолиятининг барча йўналишлари — жинойт ҳақида хабар олингандан суд қарори ижросигача бўлган барча жараёнлар — тўлиқ электрон шаклга ўтказилиши, ахборот тизимларига сунъий интеллект технологиялари жорий этилиши, шунингдек прокуратура таркибида рақамли криминалистика бўйича махсус бўлинма ташкил этилиши белгиланган.

Шу билан бирга, «**Raqamli prokuror**» ахборот тизимлари комплекси ва *Олий суд, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги* билан ҳамкорликда «**E-tergov**» ягона электрон тизими жорий этилмоқда, бу эса терговнинг барча босқичларини автоматлаштириш имконини беради.

Мазкур жараённинг долзарблиги шундаки, 2025 йил давомида давлат амалдорлари томонидан қонунга зид тарзда қабул қилинган 7 мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат аниқланиши натижасида Давлат раҳбари томонидан назорат жараёнларини рақамлаштириш бўйича алоҳида топшириқ берилди; шунингдек, терговчилар фаолиятини баҳолашнинг ягона тизими мавжуд эмаслиги, ҳисоботларнинг «қўлда юрийтилаётгани» ва жинойт ишларининг кўп ҳолларда ҳамон қоғоз шаклида сақланаётгани иш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатаётгани расмий тарзда таъкидланди.

Ушбу шароитда прокурорнинг анъанавий касбий портрети — фақат моддий ва процессуал ҳуқуқни билиш билан чекланмай — рақамли муҳитда самарали ишлаш, катта маълумотлар (Big Data) билан ишлаш, алгоритмик хулосаларни танқидий баҳолаш ҳамда киберхавфсизлик ва шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш соҳасидаги билимларни ҳам ўз ичига олиши зарур бўлиб бормоқда. Айни пайтда, хорижий тажриба, хусусан **Европа Иттифоқининг сунъий интеллект тўғрисидаги Регламенти (EU AI Act)** жинойтларни аниқлаш, тергов қилиш ёки жинойт таъқиб жараёнида қўлланиладиган айрим сунъий интеллект тизимларини «юқори хавфли» тоифага киритиб, уларга нисбатан инсон назорати ва шаффофлик талабларини қатъий белгилайди. Шу боис, мазкур мақоланинг мақсади — сунъий интеллект даврида прокурорнинг янги касбий компетенцияларини Ўзбекистон қонунчилиги ва хорижий (жумладан, Қозоғистон ва Европа Иттифоқи) тажрибаси асосида илмий жиҳатдан асослаш ва амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

1. Прокуратура фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг норматив-ҳуқуқий асослари

Ўзбекистонда сунъий интеллект соҳасидаги давлат сиёсатининг институционал асоси 2021 йил 17 февралда қабул қилинган «**Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида**»ги

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 ноябрдаги ПФ-204-сон «“Рақамли прокуратура – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. // lex.uz/docs/7813706.

Президент Қарори билан қўйилган эди². Кейинчалик 2024 йил 14 октябрдаги ПҚ-358-сон Қарор билан «Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилгача ривожлантириш стратегияси» тасдиқланиб, унда вазирлик ва идораларга шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя қилган ҳолда (жумладан, маълумотларни эгасизлантириш орқали) «катта маълумотлар» базасини шакллантириш вазифаси юклатилди, бу эса ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари учун ҳам муҳим методологик асос яратди.

2025 йил 22 октябрда қабул қилинган ПФ-189-сон Фармон² билан сунъий интеллект соҳасидаги давлат бошқарувини янада мустаҳкамлаш, жумладан ҳокимликларда рақамли технологиялар масаласи бўйича маслаҳатчи лавозимларини жорий этиш белгиланди, Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 10 июлдаги 425-сон Қарори эса 2025–2026 йиллар учун устувор лойиҳалар рўйхатини тасдиқлади^[2]. Ушбу умумий рамка доирасида прокуратура тизими учун махсус норма — юқорида қайд этилган ПФ-204-сон Фармон — қабул қилинди, унга кўра Бош прокуратурага уч ой муддатда «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунга прокуратура органларининг давлат органлари ахборот тизимлари, маълумотлар банки ва базаларига монеликсиз киришини таъминловчи ўзгартиш ва қўшимчаларни киритиш тўғрисида қонун лойиҳасини киритиш топширилди^[3]. Демак, прокурорнинг рақамли муҳитдаги ваколатлари ҳали шаклланиш босқичида бўлиб, «Прокуратура тўғрисида»ги амалдаги Қонун^[4] ушбу янги вазифаларга мослаштирилиши лозим.

Прокурор фаолиятининг рақамли трансформацияси, шунингдек, «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги 2019 йил 2 июлдаги ЎРҚ-547-сон Қонун^[5] ва «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ-764-сон Қонун^[6] талаблари билан узвий боғлиқ. Айни ушбу икки қонун прокурорнинг сунъий интеллект тизимлари орқали шахсга доир маълумотларга кириши, уларни қайта ишлаши ҳамда киберхавфсизлик ҳодисалари юзасидан ваколатли органларни хабардор қилиш тартибини белгилайдиган асосий ҳуқуқий манба ҳисобланади.

2. Хорижий тажриба: Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё давлатлари мисолида

Ривожланган Европа давлатлари тажрибаси СИ нинг адлия ва жиноий таъқиб соҳасидаги қўлланилишини қатъий тартибга солиш йўналишидан бормоқда. 2024 йил 1 августда кучга кирган Европа Иттифоқининг сунъий интеллект тўғрисидаги Регламенти

²Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 10 июлдаги 425-сон «2025–2026 йилларда сунъий интеллект технологиялари соҳасида устувор лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.

³Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни (амалдаги таҳрир) // lex.uz миллий қонунчилик маълумотлари базаси.

⁴Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 июлдаги ЎРҚ-547-сон «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Қонуни // lex.uz

⁵Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ-764-сон «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги Қонуни // lex.uz

(Regulation (EU) 2024/1689)^[7] жиноий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, тергов қилиш ёки таъқиб этиш доирасида шахсларни профиллаштиришга мўлжалланган СИ тизимларини «юқори хавфли» тоифага киритади ва уларга нисбатан қатъий шаффофлик, ҳужжатлаштириш ҳамда инсон назорати талабларини белгилайди. Европа Парламентининг расмий шарҳига кўра, айти шундай тизимлар фақат инсон томонидан яқиний қарор қабул қилиш шарт билан ва суд назорати остида қўлланилиши мумкин. Ҳуқуқий адабиётларда таъкидланишича, адлия соҳасида сунъий интеллектдан фойдаланиш маъмурий-ёрдамчи вазифалар (ҳужжатларни анонимлаштириш, ходимлар ўртасидаги алоқа) билан чекланган ҳолатларда юқори хавфли деб ҳисобланмайди, бироқ айнан профиллаштириш ва далилларнинг ишончилигини баҳолашга йўналтирилган тизимлар доимо инсон томонидан яқиний текширувни тақозо этади.

Яқин қўшни давлатлар тажрибасида ҳам ўхшаш тенденция кузатилмоқда. Хусусан, Қозоғистон Республикаси Бош прокуратураси 2025 йилда жиноий ишлар ва жиноий статистикани таҳлил қилиш учун сунъий интеллект асосидаги биринчи воситаларни ишлаб чиқди ҳамда 20 дан ортиқ прокурорни дастурлаш кўникмаларисиз СИ ечимларини яратишга ўргатувчи махсус ўқув дастури («Vibe Coding» усули) орқали қайта тайёрлаш ишларини йўлга қўйди. Бу мисол шуни кўрсатадики, прокурор кадрларини СИ билан ишлашга ўргатиш нафақат техник, балки ташкилий-педагогик масала сифатида ҳам кун тартибига қўйилган.

3. Сунъий интеллект даврида прокурорнинг янги касбий компетенциялари

Юқорида кўриб чиқилган миллий ва хорижий тажриба таҳлили асосида прокурор ходимларининг касбий компетенциялар тизимида қуйидаги янги йўналишларни ажратиш кўрсатиш мумкин.

Биринчидан, рақамли-ҳуқуқий саводхонлик — прокурорнинг «**Raqamli prokuror**» ахборот тизимлари комплекси, «**E-tergov**» ва «**Tekshiruvlarning yagona elektron reyestri**» каби тизимларда самарали ишлаш, электрон ҳужжат айланиши ва масофавий назорат воситаларидан фойдаланиш кўникмаси.

Иккинчидан, маълумотларни таҳлил қилиш ва «**катта маълумотлар**» билан ишлаш компетенцияси, зеро прокурор назоратининг рақамли моделга ўтиши қонунбузилиш ҳолатларини реал вақт режимида аниқлашга қаратилган мониторинг тизимларини тушуниш ва улардан фойдаланишни талаб қилади^[8].

Учинчидан, муҳим касбий компетенциялардан бири — алгоритмик натижаларни танқидий баҳолаш қобилиятидир. EU AI Актнинг инсон назорати тамойилидан келиб чиққан ҳолда, прокурор СИ томонидан тавсия этилган хулосани (масалан, шахснинг рецидивлик хавфи ёки далилнинг ишончилиги бўйича баҳони) кўр-кўрона қабул қилмасдан, уни мустақил ҳуқуқий таҳлил орқали текшириши шарт.

⁶Regulation (EU) 2024/1689 of the European Parliament and of the Council laying down harmonised rules on artificial intelligence (Artificial Intelligence Act). Official Journal of the EU, 12.07.2024; кўринг: White & Case LLP, "Long awaited EU AI Act becomes law..." — whitecase.com.

Бу компетенция прокурорнинг процессуал мустақиллиги ва шахсий жавобгарлиги тамойилини сунъий интеллект даврида ҳам сақлаб қолишнинг асосий кафолати ҳисобланади.

Тўртинчидан, киберхавфсизлик ва шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш соҳасидаги билимлар. **«Киберхавфсизлик тўғрисида»**ги Қонунга мувофиқ, ахборот тизимларига рухсатсиз кириш ҳолатлари юзасидан рақамли изларнинг йўқолишига йўл қўймаслик ва бу ҳақда ваколатли органни хабардор қилиш мажбурияти назарда тутилган, бу эса прокурор ходимидан рақамли далилларни тўплаш ва сақлаш борасида махсус билимга эга бўлишни талаб этади. Шу билан бирга, **«Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»**ги Қонун асосида прокурор томонидан СИ тизимлари орқали қайта ишланадиган шахсий маълумотларнинг қонунийлигини таъминлаш зарурати юзага келади⁹.

Бешинчидан, рақамли даврдаги касбий этика — прокурорнинг СИ хулосаларидан фойдаланишда шаффофлик, объективлик ва инсон кадр-қимматини ҳурмат қилиш тамойилларига риоя этиши, шунингдек СИ томонидан юзага келиши мумкин бўлган алгоритмик хатолик ёки ноҳолислик (bias) ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этиш кўникмасига эга бўлиши лозим.

4. Муаммолар ва такомиллаштириш бўйича таклифлар

Ўтказилган таҳлил бир қатор муаммоли жиҳатларни ҳам аниқлади.

Биринчидан, «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунда прокурорнинг ахборот тизимларига кириш ва улардаги маълумотлардан фойдаланиш ваколатлари ҳали тўлиқ мустаҳкамланмаган — бу борадаги қонун лойиҳаси ҳозирча ишлаб чиқиш босқичида.

Иккинчидан, терговчилар ва прокурорлар фаолиятини баҳолашнинг ягона мезонлари мавжуд эмаслиги, ҳисоботларнинг қоғоз шаклида сақланиши амалиётда рақамли компетенцияларни жорий этишни секинлаштирмоқда.

Учинчидан, Қозғистон тажрибасидан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда прокурор кадрларини махсус СИ асосидаги ечимларни яратиш ва улардан фойдаланиш бўйича тизимли қайта тайёрлаш дастурлари ҳали кенг жорий этилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

1) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ва малака ошириш институтлари ўқув дастурларига **«Сунъий интеллект ва рақамли ҳуқуқ», «Алгоритмик хулосаларни ҳуқуқий баҳолаш», «Киберхавфсизлик асослари»** каби махсус модулларни киритиш;

2) **«Прокуратура тўғрисида»**ги Қонунга прокурорнинг СИ тизимлари орқали олинган маълумотлардан фойдаланиш ваколатлари ва масъулиятини аниқ белгилловчи нормаларни киритиш жараёнини тезлаштириш;

3) EU AI Act тажрибасидан келиб чиқиб, юқори хавфли ҳисобланувчи (профиллаштирувчи, далил ишончилигини баҳоловчи) СИ тизимлари бўйича прокурор

томонидан мажбурий инсон назоратини амалга ошириш тартибини норматив жиҳатдан мустаҳкамлаш;

4) Прокурор ходимларнинг рақамли компетенцияларини баҳолаш учун ягона малака талаблари ва аттестация мезонларини ишлаб чиқиш.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, сунъий интеллект технологияларининг жадал ривожланиши прокурор касбининг мазмунини тубдан ўзгартирмоқда. Ўзбекистон Республикасида «**Рақамли прокуратура – 2030**» стратегияси, «**Raqamli prokuror**» ва «**E-tergov**» тизимларининг жорий этилиши прокурор фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқмоқда^[10], бироқ бу жараён прокурор ходимларда рақамли-ҳуқуқий саводхонлик, маълумотлар таҳлили, алгоритмик натижаларни танқидий баҳолаш, киберхавфсизлик ва шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш соҳасидаги билим ҳамда рақамли касбий этика каби янги компетенцияларнинг шаклланишини тақозо этади. **Европа Иттифоқи** ва **Қозғоғистон** тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистонда ҳам прокурор кадрларни тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш, тегишли қонунчилик базасини такомиллаштириш ва инсон назорати тамойилини кафолатловчи механизмларни жорий этиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Бу борада ишлаб чиқилган таклифлар прокуратура органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга ҳамда қонунийлик ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги «Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чоратадбирлари тўғрисида»ги [Қарори](#).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 октябрдаги ПҚ-358-сон [Қарори](#).
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 10 июлдаги 425-сон [Қарори](#).
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 22 октябрдаги ПФ-189-сон [Фармони](#).
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 ноябрдаги ПФ-204-сон [Фармони](#).
6. Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги [Қонуни](#) (амалдаги таҳрир) //
7. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 июлдаги ЎРҚ-547-сон «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги [Қонуни](#).
8. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ-764-сон «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги [Қонуни](#).

9. Regulation (EU) 2024/1689 of the European Parliament and of the Council ([Artificial Intelligence Act](#)), 12.07.2024.

10. 10. [EU AI Act: first regulation on artificial intelligence](#) // European Parliament, Topics.

11. [Annex III: High-Risk AI Systems Referred to in Article 6\(2\)](#) // [artificialintelligenceact.eu](#).

12. Artificial Intelligence and Digitalisation of Judicial Cooperation // [eucrim.eu](#).

13. Отандық прокурорлар қылмыстық істерді талдауға арналған ЖИ-көмекшісін әзірледі // [Kazakhstan Today](#).